O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL 10 OKTABR
PAYSHANBA
№ 127 (26.986)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ВАТАН ФАХР-ИФТИХОРЛАРИ

14th Asian Games BUSAN 2002


Артур ТАЙМАЗОВ

Любовь ПЕРЕПЕЛОВА

Замира АМИРОВА

«Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди». Айни чоғда ҳеч бир нарса инсонни ҳам спорт каби тезда машҳур қила олмайди. Бир кунда, дақиқалар орасида спортчининг — чемпионнинг номи бутун оламга машҳур бўлиб кетиши мумкин.

Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтаётган Осиё ўйинларида мамлакатимиз вакиллари ўз матонатлари, марду майдонликлари билан Ўзбекистонимиз довруғига довруқ қўшишмоқда. Қитъамизнинг 40 дан зиёд давлати вакиллари қатнашаётган ўйинларда совриндор бўлиш, ғолиб бўлиш осон иш эмас, албатта.

Олтин медалларини қувонч билан кўз-кўз қилаётган мана бу йигит-қизларимиз ана шундай бахтга муяссар бўлишди. Беш чемпион, олти олтин медаль!.. (О.Чусовитина икки олтин медаль соҳиби). Бу олти марта Ўзбекистон байроғи энг юқори кўтарилиб, мадҳияси янгради, дегани. Ўзбекистон номи Осиё узра олти марта эътироф этилди, дегани.

(Давоми 4-бетда)

Оксана ЧУСОВИТИНА

Ўз ватани шарафини улуғлаган, обрў-эътиборини оширганлар халқ ифтихорларига, қаҳрамонига айланади. Мана, бизнинг бугунги ифтихорларимиз, қаҳрамонларимиз. Танишинг, номларини ёдда сақланг.

Эркин курашчи Артур Таймазов, енгил атлетикачилар Любовь Перепелова, Замира Аміирова, гимнастикачи Оксана Чусовитина, эркин курашчи Дилшод Мансуров.

Мусобақаларни давом эттираётган бошқа ҳамюртларимизга ҳам ғалаба ёр бўлишини тилаймиз.


Дилшод МАНСУРОВ

ПРЕЗИДЕНТ МАЪРУЗАСИ КИТОБ ҲОЛИДА ЧОП ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёти Президент Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» маърузасини ўзбек ва рус тилларида кўп нусхада чоп этди.

Мамлакатимиз тарихан қисқа вақт мобайнида дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди. Аёнки, муайян давлат ва жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи — бу янги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги янги вазифалардир. Президентимиз белгилаб берган вазифаларнинг устувор йўналишлари китобда батафсил кўрсатиб ўтилган.

Бу устувор йўналишлар қуйидагилардан иборат. Энг муҳим устувор мақсад — тенгсиз олий неъмат — мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолаверади. Иккинчи устувор йўналиш — мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдан иборат. Учинчи устувор йўналиш — бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этишдан иборат. Тўртинчи устувор йўналиш — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий ҳаётда жорий этишдир. Бешинчи устувор йўналиш — жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, яъни «Кучли давлатдан кучли жамият сари» тамойилини ҳаётга жорий этиш демакдир. Олтинчи устувор йўналиш — бу суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни изчил давом эттиришдан иборат.

Китобда таъкидланганидек, қонун устуворлигини, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминламасдан туриб фуқаролик жамиятини қуриш ҳақида сўз юритишга ҳеч қандай асос қолмайди.

Ниҳоят, еттинчи устувор йўналиш — бу барча ислоҳотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезонидир. Яъни, демографик ва бошқа миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат олиб боришдир.

Зикр этиб ўтилган устувор вазифаларни амалга ошириш аввало ўзимизга, олижаноб мақсад-муддаоларимиз сари оғишмай, қатъият билан боришимизга, ташаббус ва тадбиркорлигимизга, ҳар биримизнинг Ватан ва халқ олдидаги бурчимизни нечоғли масъулият билан адо этишимизга боғлиқ эканлиги Президентимиз томонидан алоҳида таъкидланган.

■ (ЎзА)

ЭЛЧИНИНГ АНДИЖОНГА ТАШРИФИ

Жанубий Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Ким Сонг Хван Андижонда бўлди. Элчи жанобларининг ташриф дастуридан мазкур вилоятда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар билан танишиш ўрин олган эди.

Жаноб Ким Сонг Хван «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида бўлди. Заводнинг кўргазма залидаги маҳсулотлар намуналарини томоша қилди. «Нексия», «Матиз» автомобиллари меҳмонлар эътиборини тортди. ДЭУ корпорацияси автобизнесининг Ўзбекистондаги раҳбари Дак Тэ Ким меҳмонларга қўшма корхонанинг тарихи ва бугуни ҳақида ахборот берди.

Элчи жаноблари «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси эсдалик китобига битиклар битди. Шунингдек, у Андижоннинг диққатга сазовор жойларини бориб кўрди.

Вилоят ҳокимлигида эса қабул маросими ўтказилди. Андижон вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари П.Луқмонов жаноб Ким Сонг Хван билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳақида фикрлашдилар.

■ Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЯНГИ УЙ КАЛИТЛАРИ

«Қизилқумцемент» заводи Навоий вилоятидаги энг йирик саноат корхоналаридан саналади. Кунига 7 минг тоннага яқин қурилиш «нон»и ишлаб чиқараётган бу корхонада 2300 дан зиёд киши меҳнат қилади. Яқинда ўзининг 25 йиллик юбилейини кенг нишонлаган мазкур завод жамоаси учун қатор қулайликлар яратиб берилди. Ўнлаб кекса цементчилар хурмат-эҳтиром билан пенсияга кузатилган бўлса, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандларига хатна тўйи қилинди. Энг қувончлиси, бу юбилей тантаналари арафасида 28 нафар энг пешқадам цементчининг уйли-жойли бўлганидир.

— Биз кейинги икки йил ичида қарийб 50 нафар илғор ишчиларга замонавий уйлар калитини топширдик, — дейди завод бош директори Ражап Жуманиёзов. — 2003 йил Наврўз байрамига қадар яна 20 та малакали ишчимиз уйли-жойли бўлади.

■ Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ТОЗА СУВГА НОШУКУРЛИК»

Газетанинг 2002 йил 30 апрель сонида чоп этилган «Тоза сувга ношукурлик» мақоласида келтирилган муаммолар тегишли ташкилот раҳбарлари иштирокида ўрганиб чиқилди.

Мақолада кўрсатиб ўтилган барча муаммолар ўз тасдиғини топди ва уларни бартараф этиш юзасидан зарурий чора-тадбирлар белгиланди.

Наманган шаҳрида мавжуд 19 та автомобиль ювиш шаҳобчаларидан учтаси ариқ сувларидан фойдаланганлиги учун фаолиятини давом эттиришига рухсат берилди. Қолган шаҳобчаларда тегишли далолатномалар расмийлаштирилиб, ичимлик сув тармоқлари муҳрлаб қўйилди.

Шунингдек, шаҳар ҳудудидаги автомобилларни ювиш шаҳобчаларини етарли даражада назорат қилмаганлиги, «Турли хизмат» ҳамда «Абдусалом» хусусий фирмаларига қарашли шаҳобчаларни давлат экологик экспертизасининг хулосасини олмаган ҳолда фаолият кўрсатишларига йўл қўйганлиги учун Наманган шаҳар табиатни муҳофаза қилиш инспекциясининг давлат назоратчиси К. Эргашевга «ҳайфсан» берилди.

Вилоят прокуратурасининг текшириш якунларига биноан, йўл қўйган камчиликлари учун вилоят «Сув оқова» ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Б. Азимовга энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорида жарима солинди ҳамда бошқа мутасадди ходимларга интизомий-маъмурий жазо чоралари кўрилди.

Жорий йилнинг 23 май куни вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан вилоятда «Ресурслардан оқилона фойдаланиш — иқтисодиётни ривожлантиришнинг бош мезонидир» мавзусида семинар-кенгаш ўтказилди. Семинарда вилоятдаги газ, сув, электр, нефть маҳсулотлари корхоналари раҳбарлари ва мутахассислар иштирок этди ва газетада чоп этилган танқидий мақола атрофлича муҳокама этилди.

Вилоят ҳокимлиги юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларни тўла бартараф этилишини ўз назоратига олди ва бажарилишини вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасига топширди.

■ Наманган вилоят ҳокимининг ўринбосари А. ФОЗИЛОВ.

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО...

ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Фуқаро Мамасидиқова Роҳиланинг, таниши Раҳмонова Фазилат унинг буюм ва тақинчоқларини ўғирлаб кетганлиги учун унга чора кўрилмаётганлиги тўғрисидаги, аризаси ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, фуқаро Раҳмонова Фазилат 2001 йил 12 декабрь куни соат 11.00 ларда Денов шаҳар, Ш. Рашидов кўчаси, 12-уй, 31-хонадонда яшовчи таниши Мамасидиқова Роҳиланинг уйига келиб, ўзи олиб келган ун ва ёнғоқларни бериб, Роҳиланинг идишларни бўшатиш учун бошқа хонага ўтганлигидан фойдаланиб, унинг ётоқхонасидаги шифонеридан кўп миқдордаги буюм ва тақинчоқларини яширин равишда ўғирлаб кетган.

Ушбу ҳолат юзасидан 2001 йил 24 декабрь куни Денов туман ички ишлар бўлими тергов органлари томонидан фуқаро Раҳмонова Фазилатга нисбатан ЎзР ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми «А» банди билан иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилган.

Тергов ҳаракатлари давомида фуқаро Мамасидиқова Роҳиланинг берган баённомасида Раҳмонова Фазилат томонидан унинг уйидан ўғирланган буюм ва тақинчоқлар 6.046.100 сўмлик эканлиги кўрсатилган.

Ушбу ўғирланган буюм ва тақинчоқлардан 374100 сўмлиги Раҳмонова Фазилат томонидан фуқаро Мамасидиқова Роҳилага тергов ҳаракатлари давомида ихтиёрий равишда қайтариб берилган, шунингдек, фуқароларга сотиб юборилган тилла буюм ва тақинчоқлардан 412000 сўмлик қисми топилиб, жиноят ишига далилий ашё сифатида қўшилган.

Жиноят иши юзасидан Раҳмонова Фазилат 25.02.2002 йил куни сиртдан ЎзР ЖК нинг 169-моддаси 4-қисми «А» банди билан жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниб, қаердалиги номаълум бўлганлиги сабабли шу кунларда унга нисбатан қидирув эълон қилиниб, жиноят иши ҳаракатдан вақтинча тўхтатилган.

Жиноят иши назорат тартибида ўрганиб чиқилиб, 2002 йил 29 апрель куни терговчининг жиноят иши терговини тўхтатиш ҳақидаги қарори бекор қилиниб, қўшимча тергов ҳаракатлари ўтказиш учун Денов туман ички ишлар бўлимига юборилган.

Ҳозир тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

■ Денов туман прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Э. МЕНГЛИЕВ.



ОМАД

Шогирд хитоб қилди устозга қараб:
— Омадим келмайди сира, во ажаб!
Устоз жавоб қилди: — Сиз кўп, омад оз,
Ҳаммага етмайди омад. Шу сабаб.

Абдулла ОРИПОВ
1 октябрь, 2002 йил.

ТАҲЛИЛ, ҚИЁС ВА МУЛОҲАЗА

СОЛИҚ СИЁСАТИ: ТАКОМИЛ ДАСТУР ҲАҚИДА ЎЙЛАР

ЁХУД ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚ МЕХАНИЗМИ ХУСУСИДА

(Иккинчи мақола)

Солиқ механизми давлатнинг асосий қуроли сифатида ички ва ташқи иқтисодиётда қайси бир тармоқни ривожлантириш мумкинлигини таъминлаб берувчи «кўринмас куч». Бу кучни қайси тарафга буриш ва қайси йўналишда ишлатиш кераклигини давлат ходимлари, олимлар, халқ хўжалиги тармоқларининг етакчи мутахассислари амалга оширадилар. Шу нуқтаи назардан бизнинг фикримизча, халқаро иқтисодий муносабатларда қуйидаги йўналишлар бўйича самарали иш олиб бориш солиқ механизми ва имтиёзларидан унумли фойдалиниш ва шу йўл билан давлатимиз миқёсида муайян иқтисодий ўсишни таъминлаш мумкин.

1. Давлатимизда бозор иқтисодиётининг ижтимоий муҳофазага йўналтирилган моделини солиқ механизми орқали ривожлантириб, жаҳон иқтисодиёти билан интеграция қилиш учун амалий ишларга ўтиш пайти келди. Масалан, пахта толасидан олинадиган тайёр маҳсулотлар билан нафақат қўшни давлатлар, Россия ва Европа бозорларини ҳам эгаллаш мумкин. Ҳозир пахта толасининг 25 фоизига ўзимизда ишлов берсак, охирги маҳсулот — газлама эмас, балки ундан кийим-кечак ҳам тикиб сотиш давлатимизнинг халқаро стратегик савдо мақсади бўлмоғи керак. Буни таъминлаш учун эса имтиёзли солиқлар жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Чунки айрим ҳолларда, ўзимизда 10 баравар арзон чиқарилиши мумкин бўлган товарларни ҳам четдан олиб келяпмиз-ку, ахир. Агар пахта толасининг тайёр маҳсулотгача бўлган барча юмушлари ўзимизда бажарилса, республика бўйича ишсизлик ҳам камаярди ва валюта тушуми ҳисобига аҳолининг реал даромади ҳам кўпаярди.

Ҳолбуки, пахта толаси етиштириш бўйича мамлакатимиз МДҲда биринчи ўринни эгаллагани ҳолда ҳозир ҳам пахта асосий хомашё сифатида экспорт қилинаяпти. Бошқача айтганда, қисқа вақт ичида пахта толасининг 10-25 фоизини ўзимизда ишлашга эришган бўлсак-да, ҳали тайёр маҳсулот сифатида уни ҳануз кам экспорт қилаяпмиз. Шу боис, пахта толасидан олинадиган газлама ва кийим-кечаклар бўйича арзон, сифатли товарлар чиқариб, қўшни ҳамда ривожланган давлатлар бозорига экспорт қилиш дастурини тузиш жоиз, деб ўйлаймиз.

2. Шойи маҳсулотларини республикамизда кўплаб тайёрлаб, жаҳон бозорига сифатли товарлар чиқариш имконига эгамиз. Бу йўналиш Ватанимизга 1100-1200 йил олдин ҳам халқаро савдо юритиш қулайлигини берган ва қолаверса, (тарихдан маълум!) юртимиз шойи матоларини ҳатто Клеопатра ҳам кийган. Демоқчимизки, эндиликда бу йўналишда ҳам имтиёзли солиққа тортиш йўлларини излаб кўриш керакка ўхшайди.

(Давоми 3-бетда)

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

АДАБИЁТИМИЗ АДОЛАТИ



■ Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар

Болалигимизда суронли йиллар ичра жанг жадалларда қон кечган, адолатли-адолатсиз урушлар қурбони бўлганлар қаҳрамон саналарди. Аслида урушда қаҳрамонлик ҳам, ғалаба ҳам нисбий тушунча. Чунки ҳар иккала томон ҳам уруш деб аталган разолат олдида мағлуб бўладилар, қурбон бўладилар. Ўтмишда бизга ёт бўлган ғояларнинг яловбардорлари қаҳрамон қилиб кўрсатилди. Уларнинг ҳаёти, босиб ўтган йўли сунъий равишда, мажбуран тиқиштирилди.

Аслида ҳақиқат билан юзма-юз келинса, қаҳрамонликнинг қудрати, залвори оғир. Унга етмоқ учун қисматнинг қил кўприкларидан юриб, адолат салтанатининг оддий навкари бўлиб, ростликнинг мангу тантанаси йўлида собит курашмоқ зарур. Қаҳрамон бўлиш учун миллионлаб қалбларни забт этиш, қурол ёрдамида эмас, қалам билан тоза имон, эътиқод учун курашиш зарур.

Озод Шарафиддинов номи, мана, ярим асрдан буён адабиёт аҳлининг виждонига айланган. Олим катта ўзбек адабиётининг адолат бонги бўлиб, қалам аҳлини эзгу сўзга, муқаддас адабиётга масъулият билан ёндашишга чақиради. Бу йўлда у мустабид тузум йиллари калтаклар бўронида қолиб кетди. Унвон, рағбат эмас, отилган тошлар билан «мукофот»ланди. Озод Шарафиддинов ўзбек адабиётининг жонкуяри, бедори, беморига айланди. Унинг қалами, талантсизлар душманига, истеъдодлар раҳнамосига айланди. Олим ўзбек адабиётида, адабий танқидчилигида «Адолат академияси» яратди. У асос солган мактабнинг қудратли тўлқини ижод аҳлининг маънавий юксалишида, камолотида муҳим ўрин тутади. Умарали Норматов, Иброҳим Ғафуров, Абдулла Улуғов, Раҳмон Қўчқор каби мунаққидлар адабиётнинг софлиги, бадиийлиги йўлида изланишлар олиб бормоқдалар.

Озод Шарафиддинов қаламига мансуб «Замон, қалб, поэзия», «Адабий этюдлар», ўнлаб монографиялар, дарсликлар, илмий мақолалар, жаҳон адабиёти дурдоналаридан қилинган таржималар аллақачонлар халқимизнинг маънавий мулкига айланиб бўлган.

Олим ўнлаб истеъдодлар бошида қуюн каби айланган бало-қазоларга ўз кўксини тутиб, уларнинг шаънини, талантини ҳимоя қилди. Абдулла Қаҳҳор анъаналарини давом эттириб, ёш ниҳолларни дарахт бўлиши йўлида курашди. Адабиётга алоқаси бўлмаганларни унинг майдонига киришга йўл қўймади. Адабий жараённи тийран кузатиб бориб, таҳлил ва тадқиқотлар олиб борди. Узоқ йиллар давомида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида ўз минбарига эга бўлиб, рост сўз, боқий адабиёт йўлида қалам тебратди.

Озод Шарафиддинов ярим асрдан буён адабиёт ихлосмандларига, адабиётни севувчи ёшларимизга Ўзбекистон Миллий университетида адабиёт илмидан сабоқ бериб келмоқда. Илм-фанимизнинг қадим бешиги, миллатга буюкларни берган университет олим тақдирига ҳам нурли муҳрини босган. Озод Шарафидиновнинг қувонч ва ташвишлари, изтиробларига университет мана ярим асрдан буён гувоҳ бўлиб келмоқда. Бугун ҳам олим университет бўсағасидан ўтар экан унинг қалбини ажиб бир ҳиссаяжонлар қамраб олади.

Озод Шарафиддинов жаҳон адабиётининг ҳақиқий билимдони, таржимони, истиқлол туфайли дунё юзини кўрган «Жаҳон адабиёти» журналининг бош муҳаррири. Олимнинг ижтимоий ҳаётимиздаги фаоллиги, зукколиги бугун ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Унинг имзоси билан чиққан мақолалар қидириб ўқилади. Баҳсу мунозаралардаги ажрими оқил ва одил бўлади.

Рост сўзга қаҳрамонлик берилиши учун, жамиятда демократик тамойиллар тантана қилмоғи зарур. Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги арафасида мамлакатимиз Президентининг Фармонига биноан Озод Шарафиддиновга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилди. Бу эса жамоатчиликни, бутун ўзбек халқини тўлқинлантириб юборди. Жаҳон тажрибасида шоирлар, адиблар қаҳрамон бўлишган, лекин танқидчининг қаҳрамон бўлиши эса кузатилмаган. Чунки рост сўз ҳаммага ҳам ёқавермайди. Лекин давлатимиз раҳбарининг эътибори туфайли рост сўз тантана қилди. Ўзбекистон Миллий университетидан чиққан қаҳрамонлар сони яна биттага кўпайди. Олимнинг соғлиғидан кечиб, заҳмат ва изтиробларда кечган ҳаёти, ижоди ўз мукофотини олди.

Озод Шарафиддинов куни кеча ўзи таълим олган, таълим берган, ёшлиги ва кучғайратини бахш этган жонажон университетига ташриф буюрди.

Олимни шогирдлари, дўстлари, жамоатчилик гуллар, эзгу тилаклар билан кутиб олди. Университет ректори, академик Тўрабек Долимов, профессор Умарали Норматов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов, адабиётшунос Иброҳим Ғафуров, профессор Абдулла Аъзамов, шоира Хосият Рустамовалар қутлашди, олим ҳаёти ва ижоди ҳақида тўлқинланиб гапиришди.

Иброҳим ҒАФУРОВ:

— Озод Шарафиддинов XX асрнинг иккинчи ярмидан буён адабий танқидчилик ва ижодий жараёнлар раҳнамоси бўлиб келмоқдалар. Устоз мустабид тузум йилларида китоб дўконлари пештахталаридан териб олинган, таъқиб қилинган «Тирик сатрлар»нинг дунё юзини кўришида улкан жасорат кўрсатганлар. Бу китобда қатағон қурбонларининг асарлари жамланган эди. Устоз ярим аср давомида адабиётга адолат билан хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновга эзгу истаклар билдирилди. Менинг назаримда яна нимадир айтилиши керакдек.

■ **Фарруҳ ҲАМРОЕВ**

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПЛЕНУМЛАР, МАЖЛИСЛАР, ЙИҒИЛИШЛАР

Ўзбекистон ХДП Чироқчи туман кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Ф.Омонов мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» номли маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида нутқ сўзлади.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Шоназар Жовдиев ХДП Чироқчи туман кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Анжуман ишида туман ҳокими Ф.Ашуров қатнашди ва сўзга чиқди.

ХДП Тўрткўл туман кенгаши бошланғич партия ташкилотлари котиблари, туман кенгаши, туман партия ташкилоти тафтиш комиссияси аъзолари, ХДПдан сайланган депутатлар иштирокида семинар-кенгаш ўтказди. Унда мазкур партия кенгаши биринчи котиби Х.Ибодуллаева «Парламент ислоҳоти ва партия ташкилотлари олдида турган вазифалар» ҳақида маруза қилди. Семинар-кенгашда «Ғалаба» ФДҲЁ бошланғич партия ташкилоти котиби Ш.Қурбонов, Миллий банкнинг туман бўлими бошқарувчиси, Тўрткўл туман кенгаши депутати А.Аллашукуров, «Дўстлик байроғи» газетаси мухбири М.Бекчанова, туман солиқ инспекцияси партия гуруҳи котиби М.Сейтмуратова, туман ҳокими муовини И. Ибодуллаевлар сўзга чиқдилар.

ХДП Беруний туман кенгашида бўлиб ўтган йиғилишда ХДП МК минтақавий семинарларининг тавсиялари, партиянинг Экологик дастури муҳокамаси кенг ўрин топди. Унда мазкур туман партия кенгаши биринчи котиби Ю. Насурлаев «Демократик ислоҳотларнинг янги босқичида партия ташкилотларининг вазифалари» мавзуида маруза қилди.

Бухоро вилоятидаги ХДП барча ҳудудий (бошланғич) партия ташкилотларида ўтказилаётган очиқ партия йиғилишларида ҳам партия аъзоларининг мамлакатимиздаги демократик ислоҳотларни амалга оширишдаги иштироки тўғрисидаги масала муҳокама қилинмоқда. Яқинда Халқ банкининг Ромитан туман бўлими бошланғич партия ташкилотида бўлиб ўтган шундай йиғилишда мазкур туман партия кенгаши биринчи котиби Ш.Ёдгоров икки палатали парламент хусусиятлари ва афзалликлари тўғрисида гапириб берди.

ХДП Зомин туман кенгашида бўлиб ўтган семинар-кенгашда «Парламент ислоҳоти ва сиёсий партиялар масъулияти» мавзуида туман кенгашидаги ХДП депутатлар гуруҳи раҳбари А.Содиқовнинг маърузаси тингланди. Ушбу тадбирда бошланғич партия ташкилотлари котиблари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги маърузасини ўрганиш, партия ташкилотлари фаоллигини ошириш масалаларига бағишланган семинарлар **Олмалиқ, Ангрен, Оҳангарон шаҳар ҳамда Зарбдор, Данғара, Юқори Чирчиқ, Паркент, Оҳангарон, Тахтакўпир, Гулистон, Меҳнатобод, Шаҳрисабз туман кенгашларида** ҳам бўлиб ўтди. Мазкур семинарларда иштирок этган партия фаоллари, депутатлар мамлакатимизда икки палатали парламентни шакллантириш, фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши муаммолари тўғрисида сўз юритдилар. Шу билан бирга, бошланғич партия ташкилотлари, сайлов округларида фаолият кўрсатаётган партия тузилмалари фаолияти таҳлил қилиниб, мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш масалаларига тўхталиб ўтилди.

БУ ҲАҚДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ЙИҒИЛИШИДА АЙТИЛГАНДИ

ИХТИЁРИЙ-МАЖБУРИЙ «ҲОМИЙЛИК»ЛАР ОҚИБАТИ

Тадбиркорларнинг маблағларини уларнинг розилигисиз, ноқонуний равишда турли хил тадбирларга жалб этиш ҳолатлари жойларда ҳамон учрамоқда

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил биринчи ярим йиллик якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисда кичик ва ўрта бизнес субъектларини, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди: **«Мен барча раҳбарларнинг, биринчи галда, марказий ва маҳаллий ҳокимият вакилларининг, айниқса, вилоят ва туман ҳокимларининг диққатини яна бир масалага қаратмоқчиман,** — деди Юртбошимиз.

— Бу масала шундан иборатки, кўп жойларда номақбул одат тусига кириб қолган бир ҳолатга, яъни кичик ва ўрта бизнесга, умуман, тадбиркорликка соғин сигир, деб қарашдек бемаза ишларга бутунлай барҳам бериш керак.

Зарур иншоотларни қуриш ва таъмирлаш, жойларда ободонлаштириш ишларини амалга оширишдек олижаноб мақсадларни баҳона қилиб, ҳар қайси маҳаллий раҳбарнинг тадбиркорлардан ўзбошимчалик билан ўлпон йиғишга, хайрия ишларини мажбуриятга айлантиришга асло йўл қўйиб бўлмайди».

Самарқанд вилоятида бу борада ўтган ярим йилликда қатор ишлар амалга оширилди. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 1,5 бараварга ўсди. Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар миқдори ҳам бир баробар ошганлигини кузатиш мумкин.

Аммо, тадбиркорлар ҳақ-ҳуқуқларига беписанд қараш ҳоллари ҳам учрамоқда. Масалан, ўтган олти ой мобайнида тадбиркорларнинг маблағларини уларнинг розилигисиз, гўё вилоят раҳбарларининг кўрсатмаси дея алдов ва пўписалар билан ноқонуний равишда турли хил тадбирларга жалб этиш ҳоллари рўй берди. Ярим йил ичида 5695 та ана шундай ҳолатларга йўл қўйилди. Тўғриси, тадбиркорни у ёки бу тадбирга ихтиёрий-мажбурий «ҳомий» қилиш, шу мақсадда уларга тазйиқ ўтказиш анчадан бери одат тусига кириб қолган эди. Бундай ҳолатларнинг аксарияти тадбиркорларга суянчиқ бўлиши лозим бўлган шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан содир этилгани кишини чуқур мулоҳозага чорлайди. Мажбурий деб айтиш мумкин бўлган «ташаббус»лар натижасида тадбиркорларнинг пешона тери эвазига топилган миллионлаб пуллар уларнинг розилигисиз мажбуран ҳар хил тадбирларга ишлатилиб юборилди.

Шунингдек, тадбиркорликни рўйхатга олиш борасида ҳам қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Табиийки, бу ҳол тадбиркорликка бел боғлаган кишиларнинг ҳафсаласини пир қилади, амалдаги қонунларга бўлган ишончни сусайтиради.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги фермерлик ҳаракатлари маҳаллий раҳбарлар айби билан тўсиқларга учрамоқда. Пастдарғом тумани (собиқ Гўзалкент) ҳокими буйруғи билан ҳудуддаги 50 дан зиёд фермер хўжаликлари асоссиз равишда тугатиб юборилган. Вилоят адлия бошқармаси ходимларининг саъй-ҳаракати билан бу хўжаликларнинг кўпчилиги қайта тикланди.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятига кредит ажратиш масаласида ҳам кўплаб нуқсон учратиш мумкин. Масалан, ўтган олти ойда 7 та банкда 64 та шундай қонунбузарлик бўлди. Бунинг тагида таъмагирлик ва шунга ўхшаш иллатлар ётмаганлигига ким кафолат беради!?

Яқинда вилоят ҳокимлигида бўлган йиғилишда ана шу камчиликлар рўй-рост очиб ташланди. Тадбиркорликни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган ҳар қандай ҳолатга, раҳбарга нисбатан қатъий чора кўрилиши уқтирилди.

Тадбиркорлик ривожланиши — ишсизлик муаммоларини ҳал этиш, ички бозоримизни сифатли маҳсулотлар билан бойитишда, энг муҳими, халқимиз турмуш даражасини яхшилашда катта ўрин тутади. Шундай экан, тадбиркорликни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш ҳар бир раҳбарнинг диққат марказида бўлиши керак-ку. Тадбиркор маблағини тортиб олиш, иқтисодий режасини барбод қилиш — бу зараркунандалик эмасми? Иқтисодий ислоҳотлар йўлига тўсиқ эмасми? Бундай ҳолатларга баҳо беришда анча чуқурроқ ўйлаш керакка ўхшайди.

■ **Шуҳрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

БИЛАСИЗМИ?..

НОН ҲАМ... ДАВОЛАЙДИ

Маълумки, мутахассислар ҳисоб-китобига қараганда аҳоли жон бошига нон истеъмол қилиш йилига камида 120-150 килограммни ташкил этаркан. Хўш, нон инсон организми учун қанчалик зарур? Бу саволга шифокорлар «Бухоронон» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган нон ва нон маҳсулотларини таҳлил қилишганда ижобий жавоб топдилар. Буғдой ҳосиласи қўшилган қуруқ нон одамни даволаркан. Гап шундаки, 100 грамм биринчи навли буғдой унидан тайёрланган қуритилган нон оқсилларга бўлган эҳтиёжнинг 9,6-10,4 фоизини, ёғларга ҳамда углеводларга бўлган талабнинг 2,5-2,6 ва 77-78 фоизини қондиради. Агар беш фоиз буғдой ҳосиласи қўшилган қуритилган нон истеъмол қилинса, унинг қуввати 400 калорияни ташкил этаркан. Бундай нон билан марказий асаб хасталиклари, атеросклероз, ич кетишни даволаш осон кечади.

■ **Даврон БАҲРОНОВ**

АХБОРОТ

Мансабдор шахслар томонидан содир қилинаётган суиистеъмолчиликлар ва порахўрлик жиноятларига қарши кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирлар натижасида жиноят устида қўлга олинган мансабдор шахслар суд ҳукми билан тегишли жазога тортилмоқдалар.

Фарғона вилоят ҳокимлиги дин ва жамоат ташкилотлари мажмуаси бош мутахассиси Отабек Шодиев фуқаро М.Ориповни ҳаж сафарига борувчилар гуруҳи раҳбари этиб тайинлаш эвазига, ундан 300 АҚШ доллари ва 50000 сўмни пора тариқасида олганида ушланиб, суд ҳукми билан 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Сурхондарё вилояти нефть маҳсулотлари корхонаси бошлиғи Рустам Бегалиев Жарқўрғон туман нефть маҳсулотлари корхонаси бош оператори бўлиб ишловчи Ю.Фармоновни аттестациядан ўтказиш эвазига пора тариқасида 1500 АҚШ долларини олган вақтида ушланиб, суднинг ҳукми билан 13 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Чирчиқ шаҳар ҳокимияти назорат инспекцияси бош нозири Зокиржон Дониёров таъмагирлик йўли билан тадбиркор Х.Ҳакимовдан 100 АҚШ доллари ва 220 000 сўмни пора тариқасида олганида ушланиб, унга нисбатан суднинг айблов ҳукми чиқарилган.

Тадбирлар давом этмоқда.

■ **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Матбуот маркази**

ЁҒ-МОЙ САНОАТИ: ХОМАШЁ,

— Кунгабоқар, соя, махсар, кунжут уруғи ҳосилдор, серёғ, оқсилга бой, инсон саломатлиги учун кони фойда экин турларидир, — деб ҳикоя қилади Республика «Ёғмойтамакисаноат» уюшмасининг ёғ-мой саноати бўйича мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бўлими бошлиғи муовини Сайёр УБАЙДУЛЛАЕВ

Республикамизда бугунги кунда замонавий чет эл ускуналари билан жиҳозланган катта ёғ-мой саноати салоҳияти яратилмоқда. Масалан, йилига 3,5 миллион тонна пахта чигитини қайта ишлаш имкониятига эга корхоналаримиз ривожланиш миқёси жиҳатдан МДҲ давлатлари орасида учинчи ўринда турибди.

Республикамизда ғалла мустақиллигига эришилиб, пахта тайёрлаш топшириғи камайгач, «Ёғмойтамакисаноат» уюшмасининг ёғ-мой корхоналарида чигитни қайта ишлаш қувватлари 40-45 фоизгина таъминланадиган бўлди. Буни ҳисобга олган уюшма охирги йилларда ёғли уруғларни кўпайтириш устида узлуксиз иш олиб борди ва боряпти. Зеро, ноанъанавий ёғли уруғлар етиштирилиб, ўсимлик ёғларининг тури ва миқдорини кўпайтириш тизим олдида биринчи галдаги масала бўлиб қолди. Корхоналар, хусусан вилоятлар ҳокимликлари билан яқиндан ишлаб, **кунгабоқар, соя, махсар, кунжут** каби экинларнинг ёғли уруғлари етиштиришни кўпайтиришга киришдилар.

Кунгабоқар — Ер шарида энг кўп тарқалган ёғли экинлардан. Унинг ҳозирги кунда яратилган навлари ва дурагайлари таркибида инсон организми яхши ҳазм қиладиган 50-55 фоиз ўсимлик ёғи бор. Айрим навларида ёғ миқдори ҳатто 60 фоизга етади. Дунёда кунгабоқар майдонлари 14 миллион гектарни ташкил этади. Шундан 3,0 миллион гектари Россия ҳудудига тўғри келади. Бошқа кўпгина мамлакатларда ҳам катта майдонларни эгаллаган ва озиқ-овқат саноатида асосий хомашё ҳисобланган кунгабоқар ёғи ярим қуриётган ёғ бўлиб, ундан лок, бўёқ, олиф маҳсулотлари ва совун тайёрлашда фойдаланилади. У — астрадошлар оиласига мансуб бўлиб, бир йиллик ўсимликдир. Илдизлари — ўқ илдиз, бақувват, тупроққа 1,2-2 метр чуқурликкача кириб боради ва тупроқдаги барча намликни ўзлаштириб олади. Уруғи униб чиққандан кейин 55-70 кун ичида гуллайди. Чангланиш даврида асаларилардан фойдаланиш яхши натижалар бериши дунё тажрибасидан маълум. Шу боиси, юқори ҳосил олишнинг асосий омилларидан бири — юқори даражада чангланишдир. Кунгабоқар экканхўжаликлар асаларичилик хўжаликлари билан яқиндан иш олиб бориши мақсадга мувофиқлиги ҳам шундан.

Кунгабоқар уруғи қурғоқчиликка чидамли ўсимлик. Ўта юқори намликда бўлган қора ва ноқора тупроқларда ўсиши билан бирга Ўзбекистоннинг лалми майдонларида ҳам яхши ҳосил беради. Чунончи, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бир неча йилдан бери ундан юқори ҳосил кўтарилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг оқсилга бой озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ва уни тўла таъминлаш қишлоқ хўжалиги ҳамда саноат ходимлари олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Масалани ҳал этишнинг самарали йўли — республикада **соя** ўсимлигини ҳам етиштириш ва ундан юқори ҳосил олишдан иборат.

Соя — дуккакли ўсимликлар ичида оқсилга энг бой ўсимлик. Унинг оқсили, таркибига кўра инсон танасида жуда осон ҳазм бўлади ва (энг муҳими, физиологик-биохимик қиймати бўйича) гўшт, тухум ва сут оқсилларига ўта яқин туради.

Америка, Бразилия, Франция, Германия, Россия сингари ривожланган давлатлар соя етиштириш ва ундан маҳсулот ишлаб чиқаришда катта тажрибага эга. Масалан, АҚШ бугунги кунда дунё мамлакатлари ичида соя етиштириш бўйича биринчи ўринда туради. Мамлакат фермерлари 27 миллион гектарга соя экадилар, бу дегани — бутун Германия майдонига тенг демакдир. Дунёнинг 80 дан ортиқ давлатларига соя маҳсулотлари етказиб берадиган давлат ҳам Америкадир.

Соя халқ хўжалигида хилма-хил мақсадларда фойдаланиш учун экиладиган қимматбаҳо экин. Дони асосан ёғ, озуқа ун ва шрот ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Таркибида 33 фоиздан 45 фоизгача оқсил, 15-25 фоиз ёғ, 25-27 фоиз углеводлар бор. Унидан буғдой унига қўшиб нон, макарон, кондитер маҳсулотлари тайёрланади. Кунжараси паррандачилик, балиқчилик, чорва моллари учун тўйимли ем. Шунингдек, донидан соус ва консерва қилинади, сут ва бир неча хил пишлоқ олинади.

Республикамиз ёғ-мой саноати корхоналари соя донини қайта ишлашни 1975 йилдан бошлаб ўзлаштирди ва йилига 150-350 минг тонна атрофида қайта ишлаб, паррандачилик, балиқчилик соҳаларини соя шроти билан таъминлаб туради. Дунёда энг арзон гўшт парранда гўшти ҳисобланиб, уни етиштириш муаммоси фақат соя шроти орқалигина ҳал этилади.

Мустақиллик йилларида республикамизда Вазирлар Маҳкамаси қарори билан соя дони импорт қилинадиган ва заводларда қайта ишланиб, олинган ёғ ва шрот истеъмолчиларга пешма-пеш етказиб туриладиган ҳамда ёғ-мой корхоналарининг бўш турган қувватларидан фойдаланган ҳолда соя ёғи ресурслари тайёрланадиган бўлди.

Ер шари аҳолисининг 50 фоизи ҳозир соя маҳсулотлари истеъмол қилади. Унинг шроти инқирозга учраган паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларини ривожлантиришда беқиёс озиқ манбасидир. Донидан чет элларда 200 дан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилади. Таркибидаги оқсил — гўшт маҳсулотлари оқсилидан кам эмас. Энг муҳими, унда холестерин моддаси йўқ. Айни шу ижобий жиҳатларни эътиборга олиб, «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси 1998-1999 йилларда республика хўжаликларида соя донини буғдойдан кейин такрорий экин сифатида етиштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Самарқанд филиали билан илмий иш олиб бориш юзасидан шартнома тузди. Бугунги кунда ҳамкорликдаги ишлар ижобий натижалар бермоқда. Масалан, республика шоличилик институтида Ўзбекистон шароитига мослаштирилган соя уруғлари яратилган бўлиб, улардан:

«Узбекская — 2» нави гектаридан 18-30 центнер ҳосил берди. Ўсиш даври 120-130 кун, бўйининг баландлиги 110-120 сантиметр. Донида 38 фоиз оқсил ва 24 фоиз ёғ бор, ўртапишар.

«Дўстлик» — кўк масса ва дон олиш учун яратилган, баландлиги 160-180 сантиметр. Гектаридан 30-35 центнер дон ёки 400-450 центнер масса олинади. Донида 40 фоиз оқсил ва 23 фоиз ёғ бор, ўртапишар.

«Орзу» — бўйининг баландлиги 80-90 сантиметр. Такрорий дон экини. Ҳосилдорлиги гектар бошига 20-25 центнер. Таркибида 38-39 фоиз оқсил, 23-24 фоиз ёғ бор.

ОММАВИЙ-СИЁСИЙ, МАЪДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

Мирзачўл тумани «Ипак йўли» фуқаролар йиғинида ХДПнинг Экологик дастури муҳокамасига бағишланган «давра суҳбати» бўлиб ўтди. Суҳбатда халқ депутатлари Мирзачўл туман кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари котиблари, партия фаоллари, нодавлат-нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар. Экологик дастурнинг мақсади, вазифалари, унинг долзарблиги тўғрисида сўзга чиққан «Экосан» халқаро жамғармасининг туман бўлими раҳбари Ж.Кожбоева ҳамда ХДП Мирзачўл туман кенгашининг котиби В.В. Мойтесьян бу борада жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида олиб борилаётган амалий ишлар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтдилар. Учрашув сўнггида туман маданият уйи фольклор дастаси концерт намойиш этди.

Шунингдек, мазкур туман партия кенгаши «Мустақиллик» маҳалласида кўча оқсоқоллари ва партия фаоллари учрашувини ўтказди. «Обод уйда пок одамлар яшайди» шиори остида ўтган бу учрашувда фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги, уларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ишидаги иштироки, маҳалла ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлик алоқалари каби масалалар кенг ўрин эгаллади. ХДП Мирзачўл туман кенгаши биринчи котиби Х.Номозов ва маҳалла оқсоқоллар кенгашининг раиси Т.Сарибоевлар ўз чиқишларида маҳалла жамиятимиз ҳаётидаги тотувлик ва инсон тарбиясининг таянчи, ўзини ўзи бошқариш мактаби, демократия дарсхонаси эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тўғрисидаги ХДП дастурий ғояларига амал қилган ҳолда, партия ташкилотлари ўзларининг кундалик фаолиятларида ушбу масалага ижобий ёндашиб келмоқдалар. Жумладан, **ХДП Ғузор туман кенгаши** ва туман хотин-қизлар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган «Мустақиллик ва аёл» мавзуидаги «давра суҳбати»да истиқлол даврида бу соҳада эришилган ютуқлар, амалга оширилган ишлар, бу борада хотин-қизларнинг ҳиссаси ва ўрни ҳақида гап борди. «Бир пиёла чой» устида ўтган бу йиғин қизғин мунозаралар, дилтортар суҳбатлар асосида ўтганлиги билан иштирокчилар дилларида илиқлик уйғотди.

Шунингдек, мазкур туман партия кенгаши жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Энг ибратли оила» кўрик-танловини ўтказишда бош-қош бўлди.

«Энг ибратли оила» кўрик-танлови **ХДП Шаҳрисабз туман партия кенгаши** ҳамда туман хотин-қизлар кенгаши ҳамкорлигида Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигига бағишлаб, ўтказилди. Унда ибратли оилалар бола тарбияси, урф-одатларимизни билиш, илм олиш, жамият ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиш бўйича беллашдилар. Танлов ҳаваскорлик жамоаларининг концерт дастури билан якунланди.

Марҳамат тумани бош пиллахона давлат ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан Қарияларни қадрлаш йилига бағишланган тадбир ўтказилди. Унда шу корхонада узоқ йиллар меҳнат қилган, ҳозирда қарилик гаштини сураётган отахону онахонлар иштирок этдилар. ХДП Марҳамат туман кенгаши биринчи котиби А.Абдужабборов бундай тадбирларнинг ташкил этилиши кексаларга ҳурмат, шунинг билан биргаликда, уларнинг бой тажрибаси, босиб ўтган ҳаёт йўли ёшлар учун сабоқ бўлажаги ва муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Учрашув давомида фахрийларга эсдалик совғалари топширилди.

Яқинда **Зомин туман партия кенгаши,** ХДП фракцияси аъзоси, 79-Зомин округидан Олий Мажлис депутати С. Рашидованинг ташаббуси ва ёрдами билан, Қарияларни қадрлаш йилига бағишлаб, тумандаги 35 нафар меҳнат фахрийларининг Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор, табаррук жойлари бўйлаб саёҳатини уюштирди. Саёҳатчиларда ушбу зиёрат ёруғ таассуротлар қолдирди.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт мураббийси Владимир Пакнинг хотирасига бағишланган халқаро баскетбол мусобақасини ўтказиш ва ҳомийлик қилишни **ХДП Сирдарё туман кенгаши**, туман халқ таълими бўлими ҳамда «Ватанпарвар» ташкилоти туман бўлими ўз зиммаларига олдилар. Мусобақада ўндан ортиқ жамоалар беллашдилар. Унинг якунида ғолибларга ҳомийлар томонидан тайёрланган диплом, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

БУГУННИНГ ГАПИ

ҚИШЛОҚДА ИСРОИЛ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Олтинкўл туманидаги «Ҳақиқат» ширкат хўжалигида фаолият кўрсатаётган сут заводи ўн турдаги маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Корхонага Исроилнинг «Марав» фирмаси технологиялари ўрнатилган. У ерда ишлаб чиқарилаётган йогурт, сариёғ, пишлоқ ва бошқа маҳсулотлар «ЎзДЭУавто», «Олтин дори» каби қўшма корхоналарнинг ишчи-хизматчиларига ҳам манзур бўлмоқда.

Корхонада айни вақтда ширкат ва фермер хўжаликларидан шартнома асосида келтирилаётган икки тоннага яқин сут қайта ишлаб чиқарилмоқда. Бироқ унинг қуввати бир кунда олти тонна сутни қайта ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Агарда корхона тақдимотидан сўнг бу ерда уч нафар исроиллик мутахассислар ишлашган бўлса, эндиликда қишлоқ ёшларидан иборат маҳаллий муҳандислар ва ишчилар барча ишни ўз қўлларига олишди. Улар ўрнатилган ускуна ва дастгоҳларни самарали ишлатишмоқда.

■ «Туркистон-пресс»

(Давоми. Боши 1-бетда)

3. Республикамизнинг қўшни давлатлар бозорларига чиқиши учун имкон берувчи навбатдаги иқтисодий йўналиш — бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари. Мева-сабзавот, полиз маҳсулотларини Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатларга сотиш дастурини тузиш пайти келди. Собиқ шўро даврида иттифоқнинг қарийб 30 фоиз мева-сабзавот маҳсулотлари республикамизда етиштириларди. Бу йўналишни ҳозир ҳам солиқ ва божхона тўловлари имтиёзлари ёрдамида ривожлантириш мумкин. Асосий омиллардан бири — сабзавот ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб, қўшни давлатларга сотиш йўли билан давлатимизнинг экспорт салоҳиятини янада кучайтириш мумкин. Бу маҳсулотлар билан Россиянинг кўплаб шаҳарларида қўшма корхоналар очиш ва иқтисодий интеграция алоқаларини ривожлантириш йўли бор. Афсуски, ҳозирча бу жараённи давлат ўз қўлига олмаса, нодавлат ташкилотлар фақат фойда орқасидан тушиб, ташқи алоқаларни етарлича ривожлантира олмаяптилар. Ҳолбуки, республикамизда арзон ва сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

4. Давлатимизнинг яна бир дадил қадамларидан — автомобиль тармоғини ривожлантириш бўлиб, автомобиль ишлаб чиқариш бўйича ҳозир МДҲ давлатларида иккинчи

СОЛИҚ СИЁСАТИ: ТАКОМИЛ ДАСТУР ҲАҚИДА ЎЙЛАР

ТАҲЛИЛ, ҚИЁС ВА МУЛОҲАЗА

ЁХУД ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚ МЕХАНИЗМИ ХУСУСИДА

ўринда турибмиз. Қўшни давлатлар автомобилни узоқ давлатлардан олиб келиш учун 10-20 фоиз қўшимча харажат қилишаяпти. Биздан автомобиль сотиб олиш ва фойдаланиш эса уларга (эҳтиёт қисмини ҳам ҳисобга олганда) 2-3 баробар арзонга тушади. Халқаро бозор маркетингини ўрганиб, солиқ имтиёзлари ёрдамида қўшни ва МДҲ давлатларига автомобиллар сотиш дастурини ишлаб чиқиш ҳам самарали йўл бўлиб қолиши шубҳасиз.

5. Давлатимизга қўшни ва икки ёқлама қулай жойларда «эркин иқтисодий зона»лар тузиб, савдо-сотиққа эркин йўл очишимиз лозим, деган мулоҳаза ҳам ўринли деб ўйлаймиз. Халқаро Савдо ташкилотига аъзо бўлиб, божхона тарифларини эркинлаштириш йўли билан ташқи савдони бир неча марта кўпайтириш мумкин ва бунинг учун резервлар ҳам мавжуд. Бу тадбирни республикамизга қўшни 5-10 та давлатлар билан чегара жойларида амалга ошириш — яхшигина самаралар бериши аниқ.

Хомашёси мавжуд соҳаларни ривожлантириш мақсадида аниқ тадбирлар асосида жаҳон бозорига чиқиш режаларини ҳам тузиш зарур. Масалан, ҳозир тайёр хомашёлар (жун, пахта толаси, тери, газ, ипак, ёғ ва бошқалар) четга сотилаяпти. Бу жараёнга юқори солиқ ставкалари жорий қилиш билан бирга уларга ўзимизда қайта ишлашга оид солиқ имтиёзлари белгилаш, давлатимиз иқтисодиёти салмоғини оширган бўларди.

6. Халқаро иқтисодий йўналишлардаги кўринмас солиқ механизмини туризм ресурсларидан самарали фойдаланиш миқёсида ҳам қўллаб, оддий хомчўтларга қараганда ҳар йили 2 миллиардгача АҚШ доллари миқдорида даромад топиш мумкин. Бизнингча, ҳозирги корпоратив йўлдан энг оқилона йўлгача — халқаро туризм бозорига йўл очиб, давлатимиздаги 2700 дан ортиқ турли маҳсулотларни сотиш дастурини тузиш мақсадга мувофиқ. Бу одимни ривожлантиришнинг долзарб йўналишларидан бири — хизмат экспорти: чунончи, туризм инфраструктурасини таъмирлаб, туризм маҳсулотларини четга сотсак, у республикамизга йилига 4-5 миллиард АҚШ доллари миқдорида тушум келтириши мумкин. Ҳолбуки, туризмни ривожлантириш ресурслари йўналиши бўйича республикамиз жаҳонда 10 та йирик давлатлар қаторига киради. Меҳмондўст халқимиз хизмати ва миллий таомларимиз халқаро туристлар талабига тўла жавоб бера олади. Туризм соҳасини асосий валюта келтирувчи тармоққа айлантириб, йилига 1 миллиард доллар келтириш дастурини тузиш ва уни изчил амалга ошириш самарали йўллардан биридир. Кучли туроператорларни йиғиб, 2750 дан ортиқ турмаҳсулотларини четга сотиш ва туризмни монополиядан чиқариш дастурини ҳам ишлаб чиқиш фойдадан ҳоли бўлмасди.

7. Мамлакатимизда тайёрланган заргарлик ва тилла тақинчоқлар ҳисобига ҳам давлатнинг экспорт қобилиятини махсус солиқ имтиёзларини жорий қилиш билан кўтариш мумкин. Миллий тақинчоқлар ва олтиндан ишланган заргарлик маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқариш имконимиз (тилламиз ва қўли гул заргарларимиз) нафақат бор, улар жуда кўп.

8. Республикамизда бундан 10-15 йил олдин минглаб хорижий талабалар ўқиб, маълум миқдорда мамлакатимизга валюта тушумини ҳам таъминларди. Ҳозир олий ўқув масканларимиз сони эса 60 дан ошиб кетди ва уларда профессура йўлга қўйилди. Бу ресурсдан ҳам самарали фойдаланиш мақсадида халқаро таълим бозорига кириб, талабаларни республикамизда ўқитиш дастурини тузиш ва улар ҳисобига валюта тушумини 2-3 миллиард АҚШ долларига кўпайтириш мумкин. Бу йўналиш аслида биз учун янги эмас, лекин соҳани ривожлантириш учун олий таълимни жаҳон андозалари даражасига чиқариш йўлларини изламоқ керак.

... Бу йўналишлар 5-10 йилга мўлжалланган дастурларга асосан олиб борилиши лозимдек кўринмоқда. Экспорт ва импорт сальдоси ўтган йили 128 миллион АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, 2002 йилда экспорт маҳсулотларини 332,3 миллион АҚШ долларига кўпайтириш мўлжалланган. Лекин бу кўрсаткични кўпайтириш мақсадида юқорида кўрсатилган омилларни янада ривожлантириш дастурини тузиш ва унинг аниқ тадбирлар асосида иқтисодий ўсишини таъминлаш лозим ва шарт деган нуқтаи назардамиз. Бошқа йўналишлар эса давлатнинг ички талаблари асосида ривож топаверади.

Солиқ ва божхона соҳаси бажарадиган ишлар ва олинадиган солиқлар, божлар, йиғим ҳамда тўловлар биринчи навбатда ижтимоий ривожланишга ижобий таъсир қилиши зарур. Бу соҳалар жараёнидаги ишлар ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир кўрсатиб, ялпи ички маҳсулот ҳажмини кўпайтиради, сифатини яхшилайди. Бунда, албатта, яширин фаолиятни қисқартириб, асосий тармоқларни ривожлантириш имтиёзларини солиқ ва божхона фаолиятига ҳам жорий қилиш керакдек туюлмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, буларнинг ҳаммаси халқаро иқтисодий муносабатларда солиқ механизмини такомиллаштириб, мамлакатимиз иқтисодий ўсишини таъминлайди, валюта тушумини кўпайтиради ва пировардида, аҳолининг реал даромадини оширади.

■ **Тозабек ТОШМУРОДОВ, республика Солиқ ва божхона органлари Академиясининг халқаро иқтисодий муносабатлар кафедраси бошлиғи, иқтисод фанлари доктори, профессор**



МИЛЛАТЧИЛАР ФАОЛЛАШЯПТИ

Боснияда 1992-1995 йиллардаги урушдан сўнг биринчи марта миллатчилар ҳокимият тепасига кела бошлади. Сербия, Хорватия ва Мусулмон манзилгоҳларида ўтказилган президент сайловларидаги овозларни ҳисоблаш натижалари миллатчиларнинг ишончли ғалабасидан дарак бераяпти. Миллатчи партиялар ҳокимиятнинг қонунчилик органлари сайловида ҳам жиддий муваффақиятларга эришмоқда. Шу аснода, халқаро кузатувчилар сайловчилар фаоллигининг фавқулодда пастлигини таъкидлашмоқдалар. Сайловларда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган аҳолининг 55 фоизигина иштирок этган.



ИШОНЧ РЕЙТИНГИ ОШАЯПТИ

Умумроссия жамоатлик фикрининг ўрганиш маркази мутахассисларининг сентябрь ойида ўтказган сўровларида мурожаат этилган россияликларнинг 53 фоизи Президент Владимир Путинга ишонч билдиришди. Бу ўтган ойдаги натижадан 6 фоиз юқоридир. Путинга ишонч рейтингининг бундай юқори даражаси унинг президентлик лавозими даврида биринчи марта қайд этилди, дея таъкидлашди марказ мутахассислари. Давлат раҳбарининг фаолиятини сентябрда сўралганларнинг 77 фоизи (августда 76 фоиз) қўллаб-қуватлашини билдирган, 20 фоизи эса (августда ҳам 20 фоиз) президент фаолиятини қўллаб-қувватламаган.

ИСТЕЪФО БЕРДИЛАР

Шимолий Ирландия ҳукуматидан икки министр истеъфога чиқиш ҳақида ариза бердилар. Улар вазирлар маҳкамасида ИРА жосуси фаолият кўрсатаётгани ҳақидаги маълумот махсус хизмат томонидан тасдиқлангандан сўнг шундай қарорга келдилар. Ушбу жосус ёрдамида ИРА юзлаб ҳукумат ҳужжатларини, жумладан Бош вазир Тони Блэр билан АҚШ Президенти Жорж Буш ўртасидаги телефон орқали сўзлашув стенограммаларини олган. Бу можаро оқибатида Шимолий Ирландияда тўғридан-тўғри бошқарув тартибининг амалга киритилиши кутилмоқда.

Финландия кўчаларида

ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ

АҚШ давлат департаменти эълон қилган йиллик ҳисоботда Хитой, Вьетнам, Куба, Лаос, Бирма, Шимолий Корея давлатлари диний эътиқод эркинлигининг ашаддий душманлари деб санаб ўтилди. Бу ҳисобот «халқаро ҳуқуқ ва инсонийлик асосларини таъқиб этаётган ҳукуматларни рўй-рост кўрсатади», деб баёнот берди АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл. «Қайсидир маданият, қайсидир дин ёки қандайдир мамлакат манфаати учун шахс эркинлиги ва шаънига қасд қилиш кечирилмас ҳолатдир», — деб таъкидлади у.

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

ИМКОНИЯТ ВА ҲАМКОРЛИК

Дуккаклилар оиласига мансуб, бир йиллик ўсимлик — соянинг мамлакатимизда экиладиган ҳамма навлари тик ўсади. Барглари 30-35 фоиз пишганда табиий равишда тўкилиб кетади. Дефоляция, дессикация қилиш керак эмас. Барглари тўкилиб кетгандан кейин поялари дуккаклари билан қолади, бу ҳолат уни механизация ёрдамида йиғиштириб олишга имкон беради. Ер шарида у 52 миллион гектардан зиёд ерга экилиб, экиш, парваришлаш ва йиғиштириб олиш каби барча юмушлар 100 фоиз механизация воситасида олиб борилади.

Махсар уруғларида 27-35 фоиз қимматбаҳо ёғ бор. Бу ўсимлик асосан ёғ олиш учун экилади. Ёғи — озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналари учун хомашё. Махсар ёғи кунгабоқар ёғидан фарқ қилмайди. Ташқи кўриниши оч сариқ, таъми кунгабоқар таъмига яқин. Махсарнинг ёғи чала қурийдиган ёғ бўлиб, у олиф, лок, буёқ ишлаб чиқаришда кўплаб ишлатилади.

Махсар қадим-қадимдан Ҳиндистон, Афғонистон, араб мамлакатлари, Ўрта Осиё ерларида экилиб келинган. Ҳозирги кунда минтақамизнинг Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон худудларида экилиб, ундан ёғ ишлаб чиқарилади.

Махсар бир йиллик ўтсимон ўсимлик. Астрадошлар оиласига мансуб. Илдизи — ўқ илдиз, 2-3 метр чуқурликка кириб боради. Бўйининг баландлиги 40-50 сантиметрдан 100-120 сантиметргача етади. Иссиққа талабчан. Уруғлари дон экинларидек 1-2^0 С да уна бошлайди, майсалари — 6-7^0 С совуққа бардош беради, шунинг учун ҳам уни айрим вилоятларнинг хўжаликларида куздаёқ экиш мумкин. Қурғоқчиликка ўта чидамли, намни тежаб сарфлайди. У лалми, суғорилмайдиган ерларга эрта баҳорда экилади ва ёмғир сувлари билан етилади. Униб чиққанидан кейин уруғлари пишиб етилгунча 95-135 кун ўтади. Об-ҳавоси қуруқ туманларда ўсув даври 110-116 кун бўлиши ҳам мумкин.

Махсар фақат Ўрта Осиё республикаларида экилгани учун МДҲнинг бошқа давлатлари худудлари учун мослашган нави яратилмаган. 1950 йилда паст ҳосил берувчи махсар навлари танлаб олиниб, уларни чатиштириш йўли билан бир қадар серҳосил «Милётинский — 114» нави яратилди. Бу нав ҳозиргача ягона районлаштирилган нав ҳисобланади. Бўйи 55-70 сантиметргача етади, пистачаларида 30-35 фоиз ёғ бўлади. Ўрта пишар, ўсиш даври 93-117 кун.

Ёғли экинлар орасида ёғлилик даражаси бўйича **кунжут** биринчи ўринда туради. Унинг дони таркибида 50 фоиздан 60 фоизгача ёғи бўлади. Кунжут ёғи совуқ пресслаш усули билан олинганда таъми зайтун ёғини эслатади. У озиқ-овқат, шунингдек, консерва, кондитер саноатида ва тиббиётда кенг ишлатилади.

Кунжутнинг оқ донлисидан тахин мойи тайёрланади. Бу ёғ олий нав ҳолва, консерва ва турли ширинликлар ишлаб чиқаришда ишлатилади. Совуқ пресслашда чиқадиган кунжарасининг таркибида 8-10 фоиз ёғ ва 40 фоизга яқин оксил бўлгани учун унга кондитер саноатида эҳтиёж катта. Кунжараси чорва моллари учун қимматли концентрат озуқа. 100 килограмм шу хилдаги кунжара 132 озуқа бирлигига тенг.

Кунжут — Осиё ва Африка мамлакатларининг қадимий экини. Унинг дунё бўйича экин майдони 5 миллион гектардан ортади. МДҲ давлатларида у Краснодар ўлкасида, Қозоғистон, Озарбайжон, Ўзбекистон ва Туркманистонда экилади. Бир йиллик ўсимлик. Кунжутдошлар оиласига киради. Илдизи — ўқ илдиз, тупроққа 1 метр чуқурликкача кириб боради. Пояси тик ўсади, бўйи 1,5 метргача етади. Ўзидан чангланади. Асаларилар ёрдамида ҳам чангланиши мумкин.

Ўзбекистонда кунжутнинг «Ташкентский — 122» нави районлаштирилган. Кунжут иссиқни ва ёруғликни кўп талаб қилади. Уруғи 15-16^0 С да уна бошлайди. 70-120 кунда пишиб етилади. Кунжут донининг ҳосилдорлиги суғорилмайдиган майдонларда гектаридан 10-12 центнерни, суғориладиган майдонларда 18-20 центнерни ташкил этади.

1999 йилдан бошлаб ёғ-мой саноати корхоналари Фарғона водийси хўжаликлари билан соя дони, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти хўжаликлари билан кунгабоқар, Самарқанд вилояти хўжаликлари билан махсар, Бухоро вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний тумани хўжаликлари билан кунжут етиштириш бўйича шартномалар тузиб, яқиндан иш олиб бормоқдалар.

Республикада махсар етиштиришни илк бор ёғ-мой саноати мутахассислари бошлаб берди. Экин уруғи 1994-1995 йилларда Жиззах вилоятининг «Ғаллачилик» илмий текшириш институтидан уруғлик учун сотиб олиниб, дастлаб Самарқанд ва Қашқадарё вилояти хўжаликларига тарқатилди. Деярли унут бўлаёзган махсар ёғи олдинига мойжувоз ва кичик корхоналарда олинди. Бора-бора бозорларда ҳам махсар дони кўпайиб, «Каттақўрғон ёғ-мой», «Қарши ёғ экстракция» ҳиссадорлик жамиятлари махсар ёғи ишлаб чиқариш ва уни қадоқлаб сотишни йўлга қўйдилар.

Уюшма Молдова Республикасининг «Вавели» фирмаси билан ҳамкорликда ишлаб, кунгабоқар ва соя дони етиштириш устида иш олиб бораяпти. Соҳа мутахассислари 2000 йилда Бухоро вилоятида 2001 йилда Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалиги ходимлари иштирокида семинар-кенгашлар ўтказиб, жойларда етиштирилган кунгабоқар ҳосили бўйича тажриба алмашдилар. Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси хўжаликларида етиштирилган кунгабоқар ҳосили бир марта суғорилганига қарамай яхши натижалар берди. «Фарғона ёғ-мой» ҳиссадорлик жамиятида Фарғона, Андижон, Наманган вилояти қишлоқ хўжалиги ходимлари ва ёғ-мой саноати мутахассислари учун соя донини етиштириш бўйича семинар-кенгаш ўтказилиб, жойларга тегишли тавсияномалар етказилди.

Республикамиз хўжаликларида анъанавий бўлмаган ёғли уруғларни етиштириш, йиғиштириб олиш, қуритиш ҳамда бу ёғли уруғларни ёғ-мой корхоналарида қайта ишлаш жараёнлари шубҳасиз, янги техника ва технологиялар талаб қилади. Масалан, кунгабоқар, соя экинлари экиш учун махсус сеялкалар, йиғиштириб олиш ва қуритиш ускуналари, комбайнларга махсус мосламалар керак. Шунингдек, ёғ-мой корхоналарига қўшимча асбоб-ускуналар зарур. Уюшмамиз сўнгги пайтларда айни шу масалаларда муайян миқдорда валютага эҳтиёж сезмоқда. Қолаверса, уруғлик ҳам валютага сотиб олинаяпти. Бу муаммолар ёғли дон етиштиришни кўпайтиришга халақит бермоқда. Бундан ташқари охирги йилларда рўй бераётган қурғоқчилик ҳам лалмикор ерларда ноанъанавий ёғли уруғлар етиштиришга бирмунча салбий таъсир кўрсатади.

Тўғри, уюшма ҳозирча бор имкониятлардан фойдаланиб, МДҲ давлатларидан экиш учун уруғ ва етиштирилган ҳосилни қайта ишлаш учун валютага ускуналар сотиб олиш чораларини кўрмоқда. 2002 йилда корхоналаримиз вилоятлар ҳокимликлари ёрдамида ширкат ва фермер хўжаликлари ерларининг 7400 гектарига кунгабоқар уруғи, 2000 гектарига соя дони ва 3100 гектарига махсар уруғи экишни йўлга қўйдилар. Мазкур мақолада Ўзбекистон шароитида етиштириш мумкин бўлган ёғли уруғлар ҳақида, уларни етиштириш, парваришлаш ва иқтисодий кўрсаткичлар тўғрисида кенгроқ маълумот беришимиздан мақсад — республикамиздаги қишлоқ хўжалиги ходимлари, ўрта ва кичик бизнес соҳибларини, фермерларни юқорида санаб ўтилган ноанъанавий ёғли уруғларни етиштиришга чақириштир. Биз улар билан ўзаро ҳамкорлик қилишга, етиштирилган маҳсулотларнинг буюртмачиси бўлишга доим тайёрмиз. Уларни қўшимча фойда олишларига кафолат берган ҳолда ҳамкорликка чорлаймиз.

■ **«Ўзбекистон овози» мухбири Номоз САЪДУЛЛАЕВ ёзиб олди.**

НОБЕЛ МУКОФОТИНИНГ ЯНГИ ЛАУРЕАТЛАРИ



2002 йилда физика соҳасидаги Нобель мукофоти космосда рентген нурланиши манбалари ва космик нейтринони аниқлаган Япония ва АҚШ астрофизикларига бериладиган бўлди. Ушбу кашфиёт космосни тадқиқ этишда янги имкониятлар очади.

Сешанба куни Стокгольмда 2002 йилда физика бўйича Нобель мукофоти лауреатларининг исм-шарифлари эълон қилинди. Каролина медицина институтида мажлис қилган Нобель қўмитаси аъзолари бу юксак мукофотни астрофизиклар Рэймонд кичик-Дэвис ва Рикардо Жаккони (иккиси ҳам АҚШдан) ҳамда Косиба Масатоси (Япония)га беришга қарор қилишди.

Бу йил мукофот миқдори 1 миллион 78 минг АҚШ долларини ташкил этади. Унинг ярми Жакконига, қолган қисми эса Дэвис ва Косибага бўлиб бериладиган бўлди.

МИЛЛАТ ВА ТАРИХ

КЕШЛИК ДИПЛОМАТЛАР

ЁКИ АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ ТАШҚИ АЛОҚАЛАРИ ҲАҚИДА

Бундан 2700 йил муқаддам тамал тоши қўйилган юртимиздаги энг қадимий шаҳарлардан бири — Кеш (Шаҳрисабз) асрлар мобайнида Туркистон халқлари сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожига сезиларли ҳисса қўшиб келган. Бу сўлим гўша Шарқ ва Ғарбни узвий боғлаб турган Буюк ипак йўлининг муҳим халқаларидан биридир. Бу шаҳар жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган Амир Темурдек улуғ зотни дунёга берган. Унинг энг гуллаган ва равнақ топган даври ҳам ана шу буюк даҳонинг фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлди. Амир Темур ўз она шаҳрида гўзал иморатлар, мадраса ва масжидлар, карвонсаройлар, бозору расталар, боғу роғлар барпо этди. Худди шу жойдан буюк империяни барпо этишда жон фидо қилган ўнлаб саркардалар, давлат арбоблари, дипломатлар етишиб чиқдилар. Улар ҳақида маълумотлар Соҳибқирон томонидан битилган «Темур тузуклари», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома», Ибн Арабшоҳнинг «Темур тарихида тақдир ажойиботлари», Тожиддин ас-Салмонийнинг «Тарихнома», европалик муаллифлардан Руи Гонсалес де Клавихонинг «Самарқанддаги Темур саройига саёҳат кундаликлари» каби ўнлаб асарлар саҳифаларида бизгача етиб келган. Соҳибқирон раҳнамолигида фаолият кўрсатган бу шахслар ҳар томонлама етук бўлган. *Буни Дамашқда Амир Темурни кўрган италиялик тожир Мигналеллининг қуйидаги сўзлари исботлаб турибди:*

«Темурнинг кишилари, — деб ёзиб қолдирган у ўз эсдаликларида, — жуда ҳам кўркам эдилар, улар насл-насабига кўра ҳам улуғвор кўринарди.

Улар олий хусусиятли, машҳур, ёшига қараб мансабдор бўлган кишилар эди... *Темурнинг шундай одамлари бор эдики, улар араб, юнон, ҳибру (яҳудий) ва бошқа қатор тилларни биладилар, осмон илми, геометриядан машҳур эдилар».*

Манбаларнинг шоҳидлик беришича, Амир Темур нафақат буюк саркарда, машҳур давлат арбоби, балки ўз даврининг зукко дипломати ҳам эди. 27 давлатни ўз ичига олган бепоён империянинг барпо этилишида *унинг катта ақл-заковатга асосланган ташқи сиёсати ғоят муҳим ўрин тутади.* Бу соҳада ҳар вақт Соҳибқироннинг измида бўлган ва унинг сипоришларини бажариб келган юзлаб дипломатларнинг хизматлари катта бўлган, албатта. Улар орасида табийки, *Кешдан чиққан ва ўз хизматлари билан тахсинга сазовор бўлган кўплаб етук дипломатлар ҳам бор эди.*

Бу ўринда биз ана шундай дипломатлардан фақат учтаси ҳақида маълумот берамиз. Уларнинг фаолияти тўғрисида ёзилган манбаларда бу дипломатларнинг номларига «Кеший» нисбати қўшилган бўлиб, бу шахсларнинг қаерда туғилиб камол топганлиги масаласида ҳеч қандай шубҳа қолмайди.

Улардан бири Мавлоно Жалолиддин ал-Ҳолидий ал-Кешийдир. У Амир Темурнинг пири Сайид Кулолнинг шогирдларидан бири бўлган. Демак, Соҳибқирон фаолиятининг дастлабки йиллариданоқ якин сафдош сифатида ҳамиша унинг ёнида бўлган. Бу шахс замонасининг ўта билимдон ва эътиборли кишилари сафидан ўрин олган эди. У қатор китобларнинг муаллифи сифатида ҳам ном чиқарган. Шарафиддин Али Яздий ва Низомиддин Шомийнинг шоҳидлик беришича, Амир Темур бу зотни ўта муҳим ва қалтис дипломатик музокараларни олиб боришга сафарбар этиб келган, бу йўлда унинг билим ва обрўйидан фойдаланган. Хоразмда Ҳусайн Сўфи билан олиб борилган музокаралар бунга мисол бўла олади.

Мавлоно Абдуллоҳ Кеший ҳам Амир Темурнинг зукко дипломатларидан бири эди. Унинг дипломатия соҳасидаги Соҳибқирон таҳсинига сазовор бўлган хизматларидан бири — *Миср султони Фараж* билан олиб борган музокараларининг муваффақият билан якунланганлиги бўлганди. Бунинг натижасида *Миср султони* ўз юртини Амир`Темурга қарам мамлакат сифатида тан олганди. Шу тарзда Соҳибқирон империяси сарҳадлари Африқо қитъасига ҳам ёйилган эди.

Аммо учинчи кешлик дипломат — Муҳаммад ал-Кешийнинг фаолияти ўз мазмуни ва аҳамияти жиҳатидан Амир Темур ташқи сиёсатида янада муҳимроқ ўрин тутади. Унинг фаолияти Соҳибқироннинг Европа мамлакатлари билан олиб борган ташқи сиёсатига бевосита тааллуқли бўлди.

Амир Темур империяси чегаралари Усмонли империяси сарҳадлари билан бевосита туташган бир пайтда, Усмонли давлати ҳукмдори Боязид Йилдирим бутун Европани титратиб турганди. Европа қироллари Амир Темурга пайдар-пай элчилар жўнатиб, ундан мадад кутардилар. Анқара жанги (1402) арафасида бу ерда Испаниядан (Кастилия ва Леон) келган Ҳенрих III нинг элчилари Пайо де Сото Майор, Эрнан Санчес де Паласуэлослар ҳам пайдо бўладилар. Улар Руи Гонсалес де Клавихонинг ёзишича, «Темурбек ва турк Йилдиримнинг қудрати, уларнинг бойликлари, бир-бирларига қарши қўйган қўшинларининг сони ҳақида маълумот тўплаш ҳамда икки ўртадаги жангни кузатиш мақсадида юборилган эдилар». Амир Темур ғалабасидан кейин Кичик Осиёга юборилган барча элчилар Соҳибқирон ҳузурига келиб, ўз совға-саломларини топширадилар ва уни буюк зафар билан мубораклаб этадилар. Амир Темур ўз навбатида элчиларга туҳфалар улашиб, ғалабаси ҳақида битилган хатлар билан уларга ўз элчиларини қўшиб юртларига жўнатади. Бошқа Европа мамлакатларига Соҳибқирон ўз номидан христиан монахларни юборган бўлса, испан элчилари билан Кастилия ва Леонга етук дипломатларидан бири Муҳаммад ал-Кешийни йўллайди.

Ўша пайтларда Европа мамлакатларида ёзилган манбаларга қараганда, Амир Темур бу қитъада жуда катта ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлади. Халқ йиғинларида Соҳибқирон номи «Европа халоскори» сифатида баҳоланади.

Шундай бир шароитда Амир Темурнинг шахсий элчиси Муҳаммад ал-Кешийнинг Испанияга келиши бу мамлакатда катта воқеа сифатида кутиб олинади. У катта тантана билан Кастилия ва Леон қироли Генрих III саройида қабул қилинади. Элчи қиролга ўз ҳукмдори мактубини топширгач, унинг шаънига нафақат қирол томонидан, балки қатор зодагонлар тарафидан ҳам қабул маросимлари уюштирилади. Орадан маълум вақт ўтгач, Кастилия ва Леон қироли Генрих III Муҳаммад ал-Кешийга мамлакатнинг эътиборли зодагонларидан иборат навбатдаги элчиларни қўшиб Амир Темур ҳузурига йўллайди.

Муҳаммад ал-Кеший бошчилигидаги элчиларнинг Испанияга бориши ва унга бўлган муносабат ҳамда Самарқандга испан элчисининг юборилиши Руи Гонсалес де Клавихонинг эсдаликларида шундай тасвирланади: «Пайо ва Эрнан Санчесларнинг (Испаниянинг биринчи элчилари) келганлигидан хабар топган сеньор Темурбек Кастилиянинг буюк сеньор қиролига бўлган эҳтироми юзасидан уларни ўз ҳузурига таклиф этиб катта иззат-икромлар кўрсатди, элчилар шарафига тантанали қабул ташкил этиб, совғалар улашди. Айни вақтда элчилар Кастилиянинг буюк ва шавкатли ҳукмдорининг қудрати, унинг мамлакати ва христиан подшоҳлари ичида ўзига хос олижаноблиги ҳақида сўзлаб бердилар. Жанг ғалаба билан тугагач, (Темурбек) қирол билан дўстлик ришталарини ўрнатиш ва унинг ҳурматини қозониш мақсадида унга элчи, ёрлиқ ва совға юбориш ҳақида сипориш берди. Элчи қилиб Маҳомат ал-Каги номли бир чекатай кавалери белгиланди ва у орқали ҳадялар ва ғалаба ҳақидаги тантанали мактуб юборилди. Бу элчи Кастилиянинг сеньор қироли ҳузурига келиб, унга сеньор Темурбекнинг мактуби, совғалари, олтин-кумуш буюмларини топширди. Қирол ҳазрати олийлари тантанали мактуб ва ҳадяларни қабул қилиб, ўз шаънига Темурбек номидан билдирилган ёзма ва оғзаки яхши истакларни эътиборга олиб, унинг ўзига нисбатан кўрсатган илтифотидан келиб чиққан ҳолда, совға-саломлар тайёрлаш ҳамда таклиф этилган дўстликни мустаҳкамлаш учун Темурбекка элчилар юбориш ҳақида буйруқ берди. Бу элчиликка илоҳий фанлар магистри Фра Альфонсо Паэса де Санта Мария ва Руи Гонсалес де Клавихо ҳамда қирол соқчиси Гомес де Саласарлар тайинланди».

Шу тарзда Муҳаммад ал-Кеший бошчилигидаги Испания қиролига юборилган элчилар ўз ватанига қайтади. Бу элчиликнинг неча кишидан иборат эканлиги ҳақида маълумотлар йўқ. Люсьен Кереннинг таъкидлашича, улар Кастилия ва Леонга бораётганларида йўлда кўнган меҳмонларининг ҳисоб-китоб дафтарларидаги ёзувларга қараганда, ҳар ҳолда 5-6 кишидан кам бўлмаган. Иккинчи испан элчилигининг сони 14 кишидан иборат бўлган. Клавихонинг ёзишича, улар Самарқанд сари йўлга чиққанларидан то Амир Темур империяси чегараларига етиб келганларича кўп қийинчиликлар ва азоб-уқубатларни бошдан кечирадилар, денгиз пўртаналарига дуч келадилар. Аммо шуни таъкидлаш керакки, элчиларнинг бу оғирликларни енгиб ўтишларида, гарчанд буни Клавихо тан олмаган бўлса-да, улар таркибида Амир Темур юборган Муҳаммад ал-Кешийнинг бўлганлиги жуда кўл келади. Бу ҳол денгиз қирғоқларида жойлашган ва Амир Темурга бож тўлаб турган айрим Европа ҳукмдорларининг элчиларга кўрсатган ҳурмат-эътибори ва ёрдамида айниқса кўзга яққол ташланади. Бу билан улар Кастилия ва Леонга эмас, балки қудратли Амир Темурга эҳтиром изҳор қилгандилар.

Бу қўшма элчилик Амир Темур империяси сарҳадларига қадам қўйиши билан барча машаққатлардан халос бўлади. Улар ҳар томонлама эъзозланиб, ҳеч нарсага муҳтож бўлмаган ҳолда йўлни давом эттирадилар. Буни Клавихо ўз эсдаликларида мамнуният билан таъкидлар экан, жумладан, 1404 йил 3 майда элчиларни бир қишлоқда қандай кутиб олганликларини шундай таърифлайди: «У ерда элчиларни яхши кутиб олишди, одамларга овқат ва мингани от, ҳатто юкларни ташиш учун улов ҳам беришди. Ётиш учун бошқа қишлоққа келишди. Бу ерда ҳам уларни меҳмон қилишди. От ва бошқа керакли нарсаларни беришди. Бу жойдаги одат шундай экан: қаерга элчилар келишмасин, у ерда қолишадими, йўқми, ҳар бир хонадондан палос олиб чиқишиб жой ҳозирлашади, олдиларига чармдан тикилган доира шаклидаги супра ёйишиб, унинг устига нон, кўплаб гўшт, қатиқ, тухум ва асал каби егуликларни тўкиб солишади...»

Элчилар Қорабоғга етиб келганларида Амир Темур бу ерни тарк этиб, Самарқанд сари йўлга чиққан бўлади. Аммо у ўз элчисининг янги испан элчилиги билан қайтиб келаётганлигидан аллақачон хабардор бўлган. Буни шундан ҳам билса бўладики, Қорабоғда қолган Соҳибқирон вакиллари Амир Темур бу ердан жўнаш олдидан элчиларга тўхтамасдан унинг кетидан Самарқанд томон отланишлари ҳақида буйруқ бериб кетганлигини айтишади.

Муўлумки, испан элчиларининг Самарқандга келишлари Амир Темурнинг Конигилда уюштирган тўй-тантаналари вақтига тўғри келади. Ҳар икки «Зафарнома» ва бошқа дастлабки манбаларда таъкидланишича, бу тантаналарда ўнлаб хорижий мамлакатлардан, шу жумладан, Европа давлатларидан келган элчилар ҳам иштирок этишади. Амир Темур томонидан тайинланган махсус вакил (уни Клавихо «Мираса», яъни «Мирзо» деб атайди) таклифига мувофиқ Муҳаммад ал-Кеший испан либосида Соҳибқирон ҳузурига элчиларни бошлаб келади. Клавихонинг ёзишича, ўз дипломатларини бошқа халқ либосида кўрган аъёнлар уни таниб, кулгидан ўзларини тўхтата олмаганлар. Шу тарзда у ердаги қабул маросимида ҳам Муҳаммад ал-Кеший фаол иштирок этиб, элчиларни Соҳибқиронга таништиради. Шу билан унинг Испанияга қилган сафари якунланади.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Амир Темур даврида Шаҳрисабздан империянинг бошқа кўзга кўринган аъёнлари қаторида кўплаб етук дипломатлар ҳам чиққан ва улар Соҳибқирон давлатининг ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутган.

■ **Баҳриддин МАННОНОВ,**
тарих фанлари номзоди

ВАТАН ФАХР-ИФТИХОРЛАРИ

14th Asian Games BUSAN 2002



(Давоми. Боши 1-бетда)

Олтин медалнинг тоши оғир бўлади. Боиси, ҳар бир спортчи шоҳсупага етгунча тер тўкади, машаққатли синовларни бошдан кечиради. Ватан мадҳияси янграб, байроғимиз юқори кўтарилганда барча қийинчиликлар унутилади. Меҳнатнинг роҳати сезилади.

Шу кунларда Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида давом этаётган Осиё ўйинлари ана шундай ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлмоқда.

Учинчи марта қитъа спорт анжуманида қатнашаётган юртдошларимиз мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя этишмоқда. Моҳир гимнастикачи Оксана Чусовитина, велопойгачи Сергей Грушевский, юнон-рум кураши бўйича Алексей Чегляков, сузувчи Равиль Начаев, дзюдочи Абдулла Тангриев каби спортчиларимиз ўйинлар қаҳрамонларига айланишди.

Ватандошларимиз таниқли теннисчимиз Ирода Тўлагановага ҳам катта умид боғлашган. У юртдоши Олег Огородов билан ҳамкорликда майдон эгалари Чой Жин ва Чунг Ниларни 2:1 ҳисобида мағлуб этишди. Яна икки теннисчимиз — Томашевич-Исроилова эса таиландлик Сам Реж-Тина Угарин билан бўлган баҳсда имкониятни бой беришди. Енгил атлетикачиларимиз ҳам бўш келишмаяпти. Тўқмоқ улоқтиришда Виктор Устинов 65 метр 73 сантиметр натижа билан тўртинчи ўринни эгаллаган бўлса, 100 метрли софага югурган Любовь Перепелова 11,38 сониялик натижа билан жамғармамиздаги кумуш медаллар сонини биттага кўпайтирди. Замира Амирова эса 800 метрли масофага югуришда маррага учинчи бўлиб келди. Эркин курашчилардан Магомет Иброҳимов бронза медали соҳиби бўлди. Баскетбол бўйича Ўзбекистон — Малайзия учрашуви 79:52 ҳисобида тугади.

Кореяда бокс бўйича терма жамоамизни «Осиё довули» деб аташмоқда. Боиси, боксчиларимиз қитъада энг кучли жамоа деб аллақачон тан олинган. Пусанда Беҳзод Ҳидиров, Икром Бердиев, Сергей Михайлов, Рустам Саидовлар ярим финалга чиқиб, бронза медалларини нақд қилиб қўйишди. Улар яна бир уринишса, бу нишонлар кумушу олтинга айланиши ҳеч гап эмас. Бахит Сарсекбоев ҳам қирғизистонлик Юсупбековни 26:11 ҳисобида, Сирожиддин Наимов эса хитойлик Надабатирни 25:10 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ярим финалчилар сафидан ўрин олишди. Кеча олинган хабарга қараганда, яна уч боксчимиз ярим финалга йўлланма олишибди. Чунончи, Дилшод Маҳмудов Филиппин боксчисини, Ўткирбек Ҳайдаров Таиланд чарм қўлқоп устасини мутлақ устунликда енгишган. Шерзод Ҳусановнинг омади чопди — қувайтлик рақиби рингга чиқмагани учун ғалаба унинг ҳисобига ёзилган.

Бугун енгил атлетика, сузиш, велопойга, эшкак эшиш, теннис, баскетбол, таэквондо, замонавий бешкураш бўйича бўладиган мусобақаларда вакилларимиз иштирок этишади.

■ «Жаҳон» АА олган суратлар

АО «ОПЫТНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ЗАВОД»

700020 г. Ташкент, ул. Уйгура, 103.
Раскрытие информации участника рынка ценных бумаг.
Информация о существенных фактах.
Номер сообщения 02.
На основании приказа № 222к-ПО от 12 августа 2002 года после проведенной дооценки активов предприятия увеличен уставной фонд на 21644,3 тыс. сум.

Величина активов эмитента до выхода приказа:

	Всего %, шт.сум	Гос. доля %, шт.сум	Доля трудового коллектива %, шт.сум	Доля свободной продажи и иностранных инвесторов %, шт.сум
Общий уставной фонд	100% 21660 шт 2166000 сум	25% 5415 шт 541500 сум	9,80% 2123 шт 212300 сум (размещено)	65,20% 14115 шт 1411500 сум (размещено 14115 шт)

Условия предстоящего выпуска ценных бумаг в обращение: а) вид и форма акции выпуска; Простые именные безналичные;
б) количество акций выпуска, 216443;
в) номинальная стоимость одной акций выпуска, сум.100;
г) общий объем выпуска (по номинальной стоимости), сум. 21644300;

Распределение акций по приказу ГКИ № 222к-ПО от 12.08.02г.

	Всего %, шт.сум	Гос. доля% шт.сум	Доля трудового коллектива %, шт.сум	Доля свободной продажи и иностранных инвесторов %, шт.сум.
Дополнительный выпуск	100% 216443 шт 21644300 сум	25% 54111 шт 5411100 сум		75% 162332 шт 16233200 сум
Общий уставный фонд	100% 238103 шт 23810300 сум	25% 59526 шт 5952600 сум	0,89% 2123 шт 212300 сум (размещено)	74,11% 176454 шт 17645400 сум (размещено 14122 шт)

Выше указанные изменения зарегистрированы в территориальном отделе Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг по г. Ташкенту № 0453-3 от 26 сентября 2002 года.
Номер сообщения 09.
Внеочередное общее собрание акционеров проводилось 25 сентября 2002 года по адресу: г. Ташкент, ул. Уйгура, 103.
Общее количество акций — 21660 шт.
В т.ч.привелигированных — 1083 шт.
Простых — 20577 шт.
Присуствовало — 17073 шт.
Кворум — 79%
Повестка дня:
1. О внесении изменений в уставный фонд АО «Опытно-технический завод».
2. Прочее.
Постановили:
1. Внести изменения в уставный фонд АО «Опытно-технический завод» за — 16924 голосов.
против — 149 голосов

НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ.

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «Нодира» хусусий корхонасининг думалоқ муҳри ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 13 июнда Хайриддин Гадоевич Хўжаёров номига берилган №-078 рақамли хизмат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси **ТЮРИКОВ Владимир Иванович**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежи маъмурияти ва ўқитувчилари коллеж директорининг биринчи муовини Дилмурод Султоновга падари бузруквори **СОБИР ота**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Газетанинг навбатдаги сони 15 октябрь, сешанба куни чиқади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi
Farruh HAMROYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 971

11205 нусхада босилди

uzb ovozi@sarkor.uz.

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA